Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 26-aprel, shanba № 52 (3401)

Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятларимиз, бу — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.

Ислом КАРИМОВ

Мамлакатимиз қудратининг ёрқин намунаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишининг бориши билан танишиш мақсадида 25 апрел куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, замонавий бизнес инфратузилмасини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит таъсирида энг ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг самарасида янги-янги замонавий корхоналар бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон учун Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, фирма ва компаниялар доирасида ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда қарор топган муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида изчил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорликда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда.

Сурғил кони негизида бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунасидир. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг амалга оширилиши йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Президентимиз Ислом Каримов 25 апрел куни ушбу йирик саноат корхонасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

— Бундай йирик ва муҳим лойиҳани Корея Республикаси билан ҳамкорликда амалга ошираётганимиз бежиз эмас, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон Корея Республикасига улкан иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга ривожланган давлат сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган мустаҳкам ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Устюрт газ-кимё мажмуаси нефткимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан биридир. «Project Finance International» халқаро нашри ушбу мажмуани қуриш лойиҳасининг лойиҳавий молиялаш битимини нефт-кимё ва газкимё секторидаги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган. Шунингдек, у «Trade Finance Magazine» ва «Global Trade Review» нашрларининг «2012 йилнинг энг яхши битими» халқаро мукофотларига сазовор бўлган.

2014 йил 13 мартда яна бир нуфузли халқаро нашр — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефт-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

Мазкур лойиҳа қўшма корхона муассислари бўлган Жанубий Кореянинг «Kogas», «Lotte Chemical», «STX Energy» компаниялари ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг 1,4 миллиард доллар ҳажмидаги тўғридан-тўғри инвестицияси, шунингдек, 2,5 миллиард доллардан зиёд кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришда Осиё тараққиёт банки, Korea Development Bank, Korea Finance Corporation (Корея Республикаси), China Development Bank (Хитой), ING (Нидерландия), Hermes, KfW, Bayern LB, Siemens Bank (Германия), Credit Suisse (Швейцария), EKN, Nordea, SEC (Швеция) каби тараққиёт банклари ҳамда етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швециянинг лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган банкларга суғурта тўловларини тақдим этган экспорт-импорт агентликлари сингари нуфузли молия муассасалари иштирок этаётгани ушбу лойиҳанинг нақадар истиқболли эканидан далолат беради.

2012 йилда бошланган қурилиш ишлари бугунги кунда жадал давом этмоқда. Замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиб, ускуналар ўрнатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассислар билан суҳбатлашди.

Меҳнатсеварлик, самимийлик, бағрикенглик каби фазилатлар ўзбек ва корейс халқларига бирдек хос, деди Юртбошимиз.

Мажмуа қурилишида 6 минг 400 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 минг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари бўлиб, аксарияти ёшлардир.

Биз мустақиллигимизнинг илк йилларида келажаги буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик, деди Президентимиз. Бугун замонавий билимларни пухта эгаллаган, мана шундай ноёб заводларда ишлаётган ёшларимизга қараб қувонамиз ва ана шу эзгу ниятларимизга эришаётганимизнинг амалий ифодасини кўрамиз.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассисларнинг яшаш ва меҳнат шароитлари билан қизиқди.

Учрашувда «Uz-Kor Gaz Chemical» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси бошқаруви раиси Ли Хонг Йол, «Lotte Chemical» компанияси директори, лойиҳанинг техник раҳбари Хюн Чул Пак, «Hyundai engineering» компанияси менежери, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиш майдони раҳбари Ким Ван Су ва бошқалар яратилган қулай шарт-шароит, доимий эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Анвар САМАДОВ,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари

26 апрел — Амир Темур ордени таъсис этилган кун

2004 йил бўлиб ўтган ФИДЕ чемпионатининг финалида 24 ёшли ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов англиялик Майкл Адамсни мағлуб этиб, шахмат бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Ўзбек ўғлони бу тарихий ғалабаси билан муқаддас заминимизда камолга етган не-не буюк зотларга муносиб ворис эканини исботлади.

Авлодлар кўксидаги ғурур-ифтихор

Бу оламшумул ғалаба ўзбек халқининг юксак салоҳият, бой ақл-заковат соҳиби сифатида жаҳон миқёсидаги обрўсини янада юксалтирди, Ватанимиз шон-шуҳратини оширди. Ёш шахматчимизнинг юксак ғалабаси муносиб баҳоланди – Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига биноан Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган ушбу орден мамлакатимизда Соҳибқирон сиймосига кўрсатилаётган чуқур ҳурмат ва эътиборнинг ифодаси сифатида юртдошларимизни буюк аждодимизга муносиб авлод бўлишга ундаб келмоқда.

Олий унвон ва мукофотларда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, қадриятлари, миллий ифтихори ўз аксини топади. Президентимиз таъкидлаганидек, Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида Амир Темурнинг хотираси ва бой мероси тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилиниб, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қонунига биноан Амир Темур ордени таъсис этилди.

Амир Темур ордени марказида Соҳибқироннинг от устидаги улуғвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида эса бобомиз ҳаётда қатъий амал қилган шиор — «Куч — адолатда» сўзлари битилган. Бу ҳикматда бобокалонимизнинг ҳаётий эътиқоди, айни чоғда бугун мамлакатимизда юритилаётган сиёсатнинг ҳам мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган.

Ушбу орден билан давлатчилигимизни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни, меъморликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланади.

Фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан мукофотланиши мумкин.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Президентимиз фармонига биноан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Зеро, бу шаҳарлар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Буюк Соҳибқирон кўҳна Кешда таваллуд топиб, вояга етган бўлса, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Бу икки шаҳарнинг гуллаб-яшнашига, юксалишига алоҳида эътибор қаратган, етти иқлимга машҳур обидалар барпо эттирган. Бу тарихий ёдгорликлар бугун ҳам юртдошларимиз ва сайёҳларда катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида қутлуғ тўйлари нишонланган бу шаҳарлар янада чирой очди. Меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ободонлаштирилиб, файзли зиёратгоҳларга айлантирилди. Замонавий уй-жойлар, таълим ва маданият муассасалари, йўл ва кўприклар бунёд этилди, боғлар яратилди. Бундай ишлар бугун ҳам изчил давом эттирилаётир.

Бугун Амир Темурнинг бой маънавий ва маданий мероси, мардлик, донишмандлик ва ватанпарварлик фазилатлари ёш авлодга ибрат бўлиб келмоқда. Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритгани ҳам буюк аждодларимиздан мерос юксак ақл-заковат бугунги авлодлар томирида яшаётгани, истиқлол яратган имкониятлардан куч-қувват олиб, ўзини намоён этаётганининг ёрқин ифодасидир.

Амир Темур ордени халқимизни янгидан-янги ютуқларга ундовчи куч, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли бўлиб қолаверади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги

Соғлом ва мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни эзгу ғоялар руҳида камол топтиришда миллий адабиётимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бадиий адабиётни равнақ топтириш, бу йўлда фидокорона меҳнат қилган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, марҳум ижодкорлар хотирасини эъзозлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Ватан ва истиқлол куйчиси

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф жўшқин ва серқирра ижодий фаолияти, жонажон Ватанимиз, мустақиллигимиз, меҳнатсевар халқимизни мадҳ этувчи шеърлари билан адабиёт мухлисларининг ардоғига сазовор бўлган ҳассос ижодкорлардан эди.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида Ватан ва истиқлол куйчиси таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланмоқда. Таълим даргоҳлари, корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда, ҳарбий қисмларда шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган адабий учрашувлар, анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, адабиёт кунлари бўлиб ўтмоқда.

«Туркистон» саройида 25 апрел куни Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори Ж.Қосимов, Ўзбекистон халқ артисти А.Рафиқов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизнинг узвий ва муҳим қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори бадиий сўз санъати, унинг ривожи йўлида меҳнати сингган ижодкорлар хотирасини ардоқлаш борасида кўрсатилаётган эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Муҳаммад Юсуф халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадиий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшган. Унинг истиқлолимизга садоқат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини маҳорат билан тараннум этган шеърлари, достонлари адабиёт мухлислари, бутун халқимизнинг кўнгил мулкига айланган.

Муҳаммад Юсуфнинг «Таниш тераклар», «Ишқ кемаси», «Эрка кийик», «Ўзингдан қўймасин, халқим» каби шеърий тўпламлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Унинг Ўзбекистонимизни, меҳридарё халқимизни, беғубор ва самимий туйғуларни тараннум этувчи шеърлари асосида яратилган қўшиқлар санъат мухлислари қалбидан жой олган.

Шоирнинг адабиётимиз равнақи йўлидаги меҳнатлари муносиб тақдирланган. Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонлари билан Муҳаммад Юсуф «Дўстлик» ордени, Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбари қарори билан шоирнинг олтмиш йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда кино ижодкорларимиз томонидан унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли филм яратилди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида шоирнинг «Сайланма» асарлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Адиб» нашриётида «Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида» тўплами чоп этилди. Шоир таҳсил олган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида унинг ибратли фаолиятига бағишланган музей хонаси ташкил этилди. Мазкур университет талабалари томонидан шоирнинг шеърлари кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилди.

Ижодий кечада Муҳаммад Юсуфнинг умр йўлдоши Назира Саломова юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Истиқлол барча қалам аҳли сингари Муҳаммад аканинг ҳам эркин ва самарали ижод қилиши учун кенг имкониятлар яратди, — дейди Н.Саломова. — Давлатимиз раҳбари томонидан унинг меҳнатлари юксак эътироф этилиб, хотирасини эъзозлаш юзасидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан бошимиз кўкка етди.

Адабий кечада ҳассос шоир ҳаёти ва фаолиятига оид янги ҳужжатли филм намойиш этилди. Концерт дастурида шоир шеърлари билан айтиладиган ашулалар янгради.

Ижодий кечада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

***

Шу куни Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф яшаган пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Пушкин-Солор кўчасидаги 1-уйда шоир хотирасига бағишлаб ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Халқимизнинг ардоқли шоири хотирасига бағишланган ижодий кечалар, маърифий анжуманлар, мушоиралар давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Халқаро конференция

Жорий йилнинг 24 апрел куни Тошкентда «Фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши: Ўзбекистон тажрибаси ва меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши: Ўзбекистон тажрибаси ва меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия вазирликлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш бўйича мустақил институт, Савдо-саноат палатаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ва БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури иштирокида ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари, вазирлик, идора ва қўмиталар, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, Халқаро меҳнат ташкилоти вакиллари ва экспертлари, халқаро ташкилотлар вакилликлари, хорижий ва МДҲ мамлакатлари касаба уюшма марказлари, мустақил экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидлаш жоизки, халқаро конференциядан мақсад — фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси тақдимоти, шунингдек, фуқароларнинг бандлик, меҳнат соҳасидаги тенг ҳуқуқлилик бўйича ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши масалалари борасидаги асос солувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ амалга оширилишига доир ижтимоий мулоқотни келгусида янада такомиллаштиришдир.

Анжуманда аҳоли бандлиги ва муносиб меҳнат шароитлари таъминланиши борасида Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсати, ходимлар ҳамда улар оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, меҳнат муҳофазасига доир тизимли тадбирлар алоҳида қайд этилди.

Халқаро конференция давомида уч бўлим — «Фуқароларнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари ва уларни миллий қонунчилик ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ таъминлаш усуллари», «Меҳнат муносабатлари тизимида касаба уюшмаларининг роли ва ўрни», «Фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда бугунги замон касаба уюшмаларининг роли: миллий ва хорижий тажриба» мавзулари йўналишида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилиб, фикр алмашинди. Анжуманда Ўзбекистон касаба уюшмалари ва давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти миллий институтлари раҳбарлари, Халқаро меҳнат ташкилоти ва хорижий мамлакатлар экспертлари маърузалари тингланди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 26-aprel № 52 (3401)

Фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши: Ўзбекистон тажрибаси ва меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистоннинг меҳнат соҳасидаги қонунчилиги ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар халқаро стандартларга тўла мос келиши, кўплаб масалаларда эса устунликка ҳам эга экани алоҳида таъкидланди. Хусусан, мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш ҳуқуқлари тўла таъминланган бўлиб, ёшлар бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш ва уларга бола парвариши билан боғлиқ қўшимча таътиллар, оналик билан боғлиқ турли устама тўловлар бериш борасида алоҳида имтиёз ва кафолатлар ўрнатилган. Шунингдек, Ўзбекистонда меҳнат соҳасида амалий натижага эга бўлган жамоатчилик назоратини амалга ошириш, давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида конструктив ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш, касаба уюшмаларига ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялашга доир вазифаларни амалга ошириши учун кенг ҳуқуқ берилиши бўйича қўлланилаётган тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва самараси очиб берилди.

Таъкидландики, Ўзбекистонда фуқароларнинг дам олишга бўлган ҳуқуқи иш вақти давомийлигининг маълум чегараси ўрнатилгани, ҳафталик дам олиш кунлари ва йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар берилиши орқали таъминланади. Хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқ мазкур соҳада мақсадли йўналтирилган Давлат миллий сиёсатини юритиш орқали таъминланмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг касбий тайёргарлик, касбга қайта ўқитиш ва малака оширишга оид ҳуқуқларини таъминлаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Мамлакатда ходимларнинг касаба уюшмаларига бирлашишга бўлган ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилмоқда. Энг оммавий жамоат бирлашмаси ҳисобланган ҳамда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида фаолият олиб борувчи касаба уюшмалари учун барча шарт-шароит яратилган.

Халқаро конференция иштирокчилари томонидан мамлакат ҳукумати, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишув асосидаги жамоа-шартномавий муносабатлар қамрови юқори даражада экани алоҳида таъкидланди. Тармоқ ва ҳудудий келишувларда ходимлар, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигининг меҳнат шартномаси, уларнинг малака ва ихтисосига мувофиқ таъминланиши, корхона ва ташкилотларда ижтимоий ҳимояталаб инсонларни ишга жойлаштириш учун қўшимча иш ўринлари яратиш, ходимлар малакасини ошириш учун ўқув ва қайта ўқитишни ташкил этиш масалалари кўзда тутилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ходимлар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш борасида тизимли чора-тадбирлар йўлга қўйилган. Хусусан, мамлакат касаба уюшмалари янги иш ўринларини яратиш давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилишида кўмаклашмоқда. Мазкур соҳада касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назорати амалга оширилаяпти. Нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотлар, шу жумладан, қўшма, хусусий ва оилавий корхоналарни касаба уюшмаларига жалб этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга қўмаклашиш борасидаги ишлар кучайтирилди. Якка тартибдаги ва жамоавий меҳнат низоларини судгача ҳал этиш амалиёти кенгайтирилди.

Меҳнат муҳофазаси соҳасида бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш масаласи касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида. Ушбу мақсадларда ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалалар бўйича кенг кўламли ахборот-тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Уч томонлама маслаҳатлашувлар доирасида ҳар йили меҳнат соҳасидаги долзарб масалаларни кўриб чиқиш учун касаба уюшмалари, иш берувчилар, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида жамоатчилик эшитувлари ташкил этиб келинмоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларининг бажарилиши бўйича жамоатчилик мониторинги олиб борилмоқда.

Конференцияда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси Халқаро меҳнат ташкилоти вакиллари, хорижий касаба уюшма марказлари ва халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланди. Хусусан, халқаро экспертлар томонидан жаҳон иқтисодий инқирози таъсири ҳамон давом этаётган бугунги шароитда глобал деб тан олинган қўйидаги тўрт йўналиш:

- иш кучига бўлган талабни рағбатлантириш;
- иш жойлари ҳимояси;
- ижтимоий ҳимоя тизимларини кенгайтириш;
- ижтимоий мулоқот олиб бориш ва ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича Ўзбекистонда бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳасида муайян муваффақиятларга эришилгани алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, улар томонидан Ўзбекистонда амалий жиҳатдан болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари, меҳнат муносабатлари соҳасида камситиш, даромадлардаги тенгсизлик, давлат томонидан меҳнат бозорини тартибга солишдан воз кечиш, меҳнатни ижарага бериш, касаба уюшмалари ҳуқуқларини чеклаш каби муаммоларнинг мавжуд эмаслиги эътироф этилди. Ўзбекистонда фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши борасида касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш шакл ва услубларининг самарадорлиги юқори баҳоланди.

Кари Тапиола, Халқаро меҳнат ташкилоти бош директорининг махсус маслаҳатчиси:

— Меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши — мамлакат фаровонлигини таъминлабгина қолмай, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ҳам катта таъсир кўрсатади. Шу маънода, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистонда самарали ишлар амалга оширилди. Бу борада мукаммал миллий қонунчилик базаси яратилган ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга тўлиқ риоя этилаяпти.

Ижтимоий шериклик кўламини кенгайтириш борасида мамлакат ҳукумати, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишув жуда муҳим аҳамият касб этади. Биз мамлакатингиз билан ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Харри Талига, халқаро эксперт (Эстония):

— Дунё миқёсида меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши, бу борадаги қонунчилик тизимини мустаҳкамлаш ўта долзарб масала. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда меҳнат ҳуқуқлари соҳасида яратилган миллий қонунчилик аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ислоҳотларнинг изчил амалга оширилишида муҳим ва ишончли асос бўлиб хизмат қилаётганига гувоҳ бўлдик.

Қонунчилик демократик жиҳатларни, мамлакатингизда ёшлар кўплигини инобатга олган ҳолда пухта яратилгани диққатга сазовор. Ёшларни иш билан таъминлашда самарали механизм шакланаётгани айниқса эътиборли. Юртингиз ХМТ конвенцияларини ҳаётга изчил татбиқ этиш орқали мазкур ташкилотнинг яқин ҳамкори эканини намоён этаётир ва бунда сезиларли муваффақиятларга эришаяпти.

В.Барбанеагре, Молдавия Республикаси меҳнат институти директори, ХМТ эксперти:

— Ҳозирда жаҳон молиявий инқирози натижасида дунё бўйича ишсизлар сони ортиб бораётган шароитда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор ва алоҳида ўрганишга лойиқ эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Зеро, билишимизча, бандликни таъминлаш масаласи, айниқса ёшлар ўртасида ишсизликнинг олдини олишга катта эътибор берилиб, нафақат мавжуд иш ўринлари сақлаб қолинаяпти, балки ҳар йили миллионга яқин янги иш ўринлари яратиляпти. Бу борада борасида Ўзбекистон тажрибаси билан яқиндан танишдик. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашдик, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича келишиб олдик. Ушбу жиҳатлари билан бугунги тадбир менда катта таассурот қолдирди.

Акмал Саидов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори:

— Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ёшларни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш Ўзбекистон сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Шу боисдан юртимизда бу борада кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг мустақил аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқ нормаларига жиддий эътибор қаратиб, бу борадаги ишларни изчил давом эттирмоқда.

Юртимиз Конституциясида умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги принциплари мустаҳкамланган. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича етмишдан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилган ва мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш борасида зарур ташкилий-ҳуқуқий шароит ва кафолатлар яратилган.

Сирасини айтганда, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга доир улкан ишлар амалга оширилган.

Б.Алимуҳаммедов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари:

— Ўзбекистон ХМТнинг 13 та Конвенциясини, жумладан, асосий 8 та конвенциясидан 7 тасини, хусусан, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, болалар меҳнатининг энг оғир кўринишларига барҳам беришга оид Конвенцияларни ратификация қилган. Уларни амалиётга татбиқ қилиш учун зарур қонуний база, таъсир механизмлари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон қонунлари меҳнат соҳасини тартибга солувчи асосий мезон саналади. Мавжуд қонунлар аҳоли бандлигини, жумладан, ёшларни муносиб иш билан таъминлашни назарда тутади ва бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу минтақанинг ўзига хослиги, урф-одат ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда олиб бориляпти.

Шунингдек, кучли ижтимоий ҳимоя мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бу борада асосий эътибор аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига йўналтирилган. Ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, қариялларга кўмак беришни назарда тутувчи манзилли дастурлар амал қилиб келаяпти.

Нодир Султон-Муҳамедов, Савдо-саноат палатаси бошқарма бошлиғи:

— Юртимизда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва Инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларига оид халқаро пакт қоидаларини бажариш борасидаги тажрибаси кўплаб хорижий мамлакатлар экспертлари томонидан ўрганилмоқда. Мамлакатимизда кучли ижтимоий ҳимоя йўналишида олиб борилаётган ишлар аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати муттасил ошишига, харид қилиш қобилияти, иш ҳақи, пенсия ҳамда бошқа ижтимоий тўловларнинг ўсиш суръатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамоа шартномаларининг ўз вақтида тузилиши, ундаги талаб ва вазифаларнинг бажариб борилиши юзасидан катта одимлар ташланмоқда.

Сайёра Рашидова, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман):

— Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг амалга оширилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Ушбу дастурий ҳужжатдаги пухта ўйланган қонунчилик ташаббусларининг асосий мақсади давлат ва жамият қурилишини демократлаштиришни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришдир. Концепцияга мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Уларнинг қабул қилиниши эса инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш борасида давлат ҳамда фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида саккизта конституциявий қонун, 15 кодекс ва 600 дан зиёд қонун қўлланилмоқда, тегишли қонунчиликни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Масалан, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Ҳакамлик судлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» (янги таҳрири), «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Антон Леппик, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси вакили:

— Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси таркибида 175 миллион аъзо бор. ХКУК дунё ҳамжамиятида ўзи ўрнига, катта нуфузга эга. Унинг асосий вазифалари аъзолар манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, қонун доирасида иш юритилишини назорат қилишдир.

Бугунги кунда дунё иқтисодий инқироздан ҳали тўлиқ чиқиб олганича йўқ. Хусусан, Греция ва Испаниядаги ишсизлик даражасининг юқори кўрсаткичлари бизни чуқур ўйга толдиради. Шундай оғир бир вазиятда Ўзбекистон томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўпчилик учун ўрнак бўлишга лойиқ, деб ўйлайман.

Бугунги конференция давомида гувоҳ бўляпманки, юртингизда меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий мулоқотни ривожлантириш соҳасида эътироф этгулик натижаларга эришилган. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, ҳуқуқ органлари ва касаба уюшмалари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган, муносабатлар мувозанати тизимга солинган.

Муносиб меҳнат шароитини яратиш, муносиб иш ҳақи, ходимлар ҳуқуқларининг ҳимояси касаба уюшмаларининг муҳим вазифалари бўлиб қолаверади. Ўйлайманки, бизнинг ҳамкорлигимиз узоқ давом этади.

Шоҳруҳ Аминов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори:

— Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича самарали механизм ишлаб чиқилган. Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура ҳузурида ҳудудларда таркибий бўлимларига эга бўлган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус бошқармалар фаолият кўрсатмоқда. Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида самарали ҳамкорлик қилаётган мазкур тузилмалар ижтимоий манфаатлар мувозанатини таъминлаш ҳамда сақлашга, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига кўмаклашмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, фуқароларнинг ижтимоий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятимизда маънавий-ахлоқий муҳит, бағрикенглик ҳамда динлараро тотувликни мустаҳкамлашда самарали иштирок этмоқда. Бугун фаолият кўрсатаётган 6,5 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш ишлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида изчил ишлар олиб борилаяпти. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини ривожлантириш ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга қаратилган ислоҳотлар юқори самара бермоқда.

Лазиз Маҳмудов, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ишлар самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ушбу жараён иштирокчилари бўлган давлат бошқаруви идоралари ва фуқаролик жамияти институтларининг яқин ҳамкорлигидир. Жумладан, Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бош прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда.

Мамлакатимизда ҳуқуқий таълим-тарбияни янада яхшилаш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онгини, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларидан хабардорлигини оширишга қаратилган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш миллий тизими ташкил этилган. Ҳозирда ушбу тизим таълим соҳасининг барча босқичини, шунингдек, давлат хизматчилари малакасини ошириш йўналишларини қамраб олган. Натижада, ўтган даврда жамоатчилик онги, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданият даражаси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги сезиларли равишда юксалди. Бу эса юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни муваффақиятли давом этаётганидан далолатдир.

***

Конференцияда эшитилган маърузалар ва муҳокама этилган масалалардан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш натижаларига кўра халқаро конференция иштирокчилари томонидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари,
Акмал ТОШЕВ,
Улуғбек ИБОДИНОВ,
Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбирлари.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари томонидан яратилган янгиликларни жорий этиш борасида қиймати қарийб 14,1 миллиард сўмлик 320 дан ортиқ шартномалар тузилди. Бу 23-25 апрел кунлари пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган ярмарканинг дастлабки натижаларидир.

Инновациялар ярмаркаси: якун ва истиқболлар

VII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси якунланди

Анъанавий ярмарка Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган инновацион иқтисодиётни кенгайтириш, ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда, реал сектор тармоқларини янада модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасидаги вазифалар ижроси доирасида ўтказилди.

Жорий йилги ярмарка 1,5 мингдан зиёд иштирокчи — вазирликлар, идоралар, банк сектори, иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари, Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари вакиллари, шунингдек, алоҳида ихтирочиларни бирлаштирди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармакология, ахборот-коммуникация технологиялари, фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган қарийб 500 ишланма, инновацион ғоя ва лойиҳалар намойиш этилди.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси корхоналари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари ва олий ўқув юртлари билан янги технологияларни жорий этиш бўйича бир неча миллиард сўмлик шартномалар имзолади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонаси учун углеводородли бўғланадиган омилни қўллаш орқали нефт-газ конденсати аралашмасини ратификациялашнинг саноат синови ва илмий-техника ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Микробиология институти «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонаси билан ҳамкорликда нефт маҳсулотлари ва тупроқни тозалашнинг экологик тоза биотехнологиясини синовдан ўтказади.

Ярмарка туфайли Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги бошқа институтларнинг ҳамкорлари сони ҳам сезиларли даражада ошди. Жумладан, Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг инновацион ишланмаларидан саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтикада кенг фойдаланилмоқда. Тез орада фармацевтика тармоғи корхоналари маҳсулотлари тури Биоорганик кимё ва Ўсимлик моддалари кимёси институтларида маҳаллий хомашёдан тайёрланадиган янги дори препаратлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши билан кенгаяди.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси олий таълим муассасаларининг салоҳияти йилдан-йилга ўсиб бораётганидан далолат беради. Талабалик давридаёқ корхоналар буюртмаларини бажаришда фаол иштирок этаётган, ишлаб чиқариш ва мавжуд эҳтиёжни яхши биладиган етук мутахассислар тайёрлаш борасидаги ишлар самарасида шундай натижаларга эришилмоқда. Масалан, жорий ярмаркада Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети билан умумий қиймати 1,2 миллиард сўмлик 15 шартнома ва келишув имзоланди. Университетнинг инновацион маҳсулотларига буюртма берганлар орасида «Ўзэлектртармоқ» унитар корхонаси, «Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик жамияти, «Сурхон пармалаш ишлари» масъулияти чекланган жамияти, фермер хўжаликлари ва бошқалар мавжуд.

— Инновациялар ярмаркасидаги иштирокимиздан кўнглимиз тўлди, — дейди Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси бошлиғи Мирхалил Холдоров. — Ярмаркада 4 инновацион ишланмани намойиш этдик. Улар қовун касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш, сабзавот ва полиз экинларини ўстиришда қора плёнка ва томчилатиб суғориш усулидан фойдаланиш, картошка етиштиришда микробиологик ўғитларни қўллаш, сабзавот экинлари кўчатларини махсус кассеталарда ўстиришга йўналтирилган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам берадиган ушбу инновацион технологияларга, айниқса, фермерлар кўпроқ қизиқиш билдирди.

Ярмарка иштирокчилари мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди. Ярмарка доирасида инновацион фаолиятни ахборот билан таъминлашни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Шунингдек, ўтказилган давра суҳбатларида муқобил энергетикани ривожлантириш истиқболлари ва ёш олимлар ҳамда талабаларни инновацион фаолиятга жалб этишни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу тариқа ярмарка амалий илм-фан ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги кооперациянинг яққол намунасига айланди. Тадбир иқтисодиётимизнинг барча тармоқларини инновацион ривожлантиришга, мамлакатимизнинг илмий-техника ва ишлаб чиқариш салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Касаба-сайр

Меҳнаткашларнинг тарихий қадамжолар бўйлаб сайрларини уюштириш кейинги вақтда касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бирига айланди. Яқинда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан бир гуруҳ фаолларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Муқаддас қадамжолар бўйлаб

Самарқанд «Afrosiyob» поездида қадимий шаҳарига етиб келган саёҳатчилар зиёратни Имом ал-Бухорий мажмуасидан бошлашди. Шундан кейин Улуғбек расадхонаси, Шоҳи Зинда меъморий мажмуаси ҳамда Хўжа Дониёл мақбарасида бўлишди.

Гуландом Рўзметова, Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат банки касаба уюшма қўмитасининг раиси:

— Самарқанд саёҳатидан олам-олам таассурот олдим. Аждодларимиз ақлу закосидан бунёдга келган обидалар қалбимизда чексиз ғурур уйғотади.

Мақсуд Салимов, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги касаба уюшма ташкилоти етакчиси:

— Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган нақл бор. Самарқандда биринчи марта бўлишим эмас. Лекин ҳар гал янгича ҳис-туйғулардан қалбим жунбушга келади. Мустақиллик йилларида Самарқанд янада кўркамлашганига шоҳид бўлдим. Ушбу саёҳатни уюштирган тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши ҳамда ЎзКУФК қошидаги «Касаба-сайр» ходимларига миннатдорлигимни изҳор қиламан.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Навбат шаҳар босқичига

Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси, Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермерлар кенгашининг қўшма қарори ижроси юзасидан ташкил этилган «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси» танлови жойларда қизғин ўтмоқда. Жумладан, Шайхонтоҳур туман истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари касаба уюшмасининг «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси» танлови 2-босқичи «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонасида ташкил этилди. Унда бошқарма ва бўлимлар кесимида ғолибликни қўлга киритган 16 нафар ёш мутахассис қатнашди.

Натижаларга кўра, «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси туман бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш. Рихсиев, Иссиқлик манбалари бошқармаси 6-участкаси бошлиғи З. Ҳақназаров ва созлаш хизмати 1-тоифали муҳандиси Х.Кучиновлар ғолиб бўлишди. Улар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Ҳакамлар хулосасига кўра, Ш.Рихсиев шаҳар босқичига йўлланма олди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Озиқ-овқат саноати: янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш — тараққиёт кафолати» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раҳбарлари, масъул ходимлари, тизимдаги корхоналар вакиллари иштирок этди.

Модернизация — давр талаби

Дастлаб «Озиқ-овқатсаноат» уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналар фаолиятига доир «Обод юртнинг тўкин дастурхони» номли ҳужжатли филм намойиш қилинди.

Сўнг асосий мавзуга ўтилди. Тадбирда таъкидланишича, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу боис аҳоли жон бошига нисбатан асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавотлар миқдори ошди. Қайта ишлашга эътибор кучайди. Натижада, барча асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ўзимизда ишлаб чиқарилиб, юртимизда озиқ-овқат мустақиллигига ва хавфсизлигига эришилди. Ўзбекистон озиқ-овқат сиёсатининг бир қанча асосий қисмлари илғор тажриба сифатида тан олинди ва БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури томонидан бошқа ривожланаётган мамлакатларга тавсия этилди.

Маълумки, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, янги корхоналар барпо этиш учун кенг миқёсда маблағ йўналтириш талаб қилинади.

Давлат инвестиция дастурига кўра шу йилда уюшма тизимидаги корхоналар томонидан 42 та лойиҳа амалга оширилиши ва 81,62 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб этилиши кўзда тутилган бўлиб, белгиланган лойиҳалар ижросини таъминлаш бўйича жорий йилнинг ўтган 3 ойида 11,54 миллион доллар миқдорида маблағ ўзлаштирилди. Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2014 йил мобайнида жами 1180 та лойиҳани амалга ошириш ва 10333 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Январ-март ойларида 275 та лойиҳа ижроси таъминланди ва 2000 та янги иш ўрни яратилди. Республика бўйича соҳада 43 дан зиёд янги корхона барпо этилди. Йилнинг биринчи ярим йили давомида (инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида) яна бир қанча корхона фаолият бошлайди.

Шу йилнинг ўтган чораги мобайнида 170 та қайта ишлаш корхоналарида (10,15 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилиб) модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Пировардида, ушбу корхоналарда қуритилган мева, гўшт, сут, нон ва қандолат маҳсулотлари, туз ҳамда минерал сувлар ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

Инвестиция лойиҳалари рўёбида нафақат сармоялар жалб этилиши, балки чекка ҳудудларга саноат олиб кирилиши, соҳанинг янги йўналишлари ривожлантирилиши ҳамда аҳоли бандлиги таъминланиши каби жиҳатлар ҳам инобатга олинган. Жумладан, Самарқанд вилоятида «Сиёб Шавкат Орзу» фермер хўжалиги негизида сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона қурилиши якунланди, Тошкент вилоятида «Mehnat Malt» масъулияти чекланган жамияти қошида солод ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилди, шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Асл консерва» корхонаси тўлиқ модернизация қилинди, техник ва технологик жиҳатдан янгиланди.

Юқори унумли ва тежамкор ускуналарсиз харидорлар дидига мос маҳсулот ишлаб чиқариш осон эмас. Шунинг учун уюшма тизимидаги корхоналарда маънавий жиҳатдан эскирган ускуналар янги, замонавийлари билан босқичма-босқич алмаштириляпти. Бу иш унумдорлигини оширишдан ташқари, хом ашё ва ёрдамчи материаллар сарфини камайтириш, электр энергияси ҳамда бошқа табиий ресурсларни тежаш, маҳсулот таннархини пасайтириш имконини бераётир.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Амалий-услубий ёрдам

Асака туманида бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари учун ўқув-семинар ўтказилди.

Ўқув машғулоти давомида жамоа шартномалари бўйича статистик ҳисоботларни тўлдириш, жорий йил учун жамоа шартномалари макети, кичик корхоналар учун жамоа шартномаларини тузиш, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларига амал қилиш борасидаги муҳим вазифалар ҳақида тушунча берилди.

Аъзолик афзалликлари, қарорлар ижроси мониторинги, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан касаба уюшмаси назорати, коллеж битирувчиларининг ишга жойлашишдаги қўнимлилигига оид масалалар бўйича атрофлича тўхталиб ўтилди.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, аҳоли бандлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини иш билан таъминлаш, яратилаётган иш ўринларининг ҳаққонийлигини ўрганиш каби масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Шунингдек, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раисларига амалий-услубий ёрдамлар кўрсатилди.

Фарҳодбек НИЯЗМУРОДОВ,
Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Лойиҳа ижроси

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида аёлларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, оиланинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилаш, иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Ҳам ўрганиш, ҳам тажриба алмашиш

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси «Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар» лойиҳасини ишлаб чиқди. Европа Иттифоқининг Институционал ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури доирасидаги ушбу лойиҳа Милан Савдо-саноат, Хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги палатаси қошидаги «FORMAPER» агентлиги (Италия), Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ижтимоий инновациялар жамғармаси (Литва), «Аёллар мулоқот ва таълим учун» Ассоциацияси (Испания) жамоаси томонидан амалга оширилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш» мавзусида навбатдаги ўқув машғулоти ҳам шу лойиҳа асосида ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан танлаб олинган маҳалла, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа ҳамкор ташкилотларнинг 30 нафар вакили малакаси оширилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича тренерлар тайёрланди.

— Мақсадимиз, ишсиз юрган хотин-қизлар ҳамда ёшларни тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув дастурларига жалб этиб, уларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашига амалий ёрдам кўрсатиш, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ННТлар фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари Дилбар Алимжонова. — Бу орқали эҳтиёжманд оилалар бандлигини таъминлаш билан бир қаторда, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашилади.

Беш кун давом этган навбатдаги учинчи тренингда иштирокчилар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг асосий тамойиллари, бизнес-режа тузиш методологияси, аҳолига мазкур йўналишда ахборот, таълим ва маслаҳат хизматларини ташкил этиш усулларини ўргандилар. Шу билан бирга, «FORMAPER» агентлиги эксперти, халқаро тренер Рита Бонуккининг тадбиркорликни ривожлантириш бўйича халқаро тажрибаси билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

— Ушбу лойиҳада илк бор иштирок этишим, — дейди Р.Бонукки. — Кўпгина тренингларда қатнашган бўлсам-да, ҳозирги гуруҳда йиғилганларга юқори баҳо бераман. Улар кучли билимга эга. Шунинг учун ҳам машғулотлар жараёнида ўзаро ҳамкорлик асосида тажриба алмашдим, десам муболаға бўлмайди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 28 май куни соат 10:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига «TOSHKENT SHAHAR ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» ОАЖга қарашли 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/418MBA, «КАВЗ» русумли, бошланғич баҳоси б 5 400 000 сўм, 1966 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/224ZBA, «УАЗ-469» русумли, бошланғич баҳоси 1 800 000 сўм, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/956WBA, «УАЗ-31514» русумли, бошланғич баҳоси 1 500 000 сўм, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/568RAA, «ГАЗ-53А» русумли, бошланғич баҳоси 4 800 000 сўм, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/952WBA, «ГАЗ-66» русумли, бошланғич баҳоси 5 200 000 сўм, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/955WBA, «ГАЗ-53» русумли, бошланғич баҳоси 5 100 000 сўм бўлган автотранспорт воситалари қўйилади. Шунингдек, 2014 йил 28 май куни соат 12:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига «O`ZPAXTASANOATUYUSHMASI»га қарашли 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/468CDA, «Мерседес Бенс Е200» русумли, бошланғич баҳоси 93 215 200 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилади. Мазкур автотранспорт воситалари сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2014 йил 4, 11, 18 июн кунлари ҳамда ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан автотранспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12:00да тўхтатилади. Савдолар «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг автотранспорт бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг ХОАТБ «*Infin*BANK» банкдаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, e.mail: info@auksion.uz. Тел: (8595) 177-96-74.

Гувоҳнома № 005148

Синов паллалари

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақиллик йилларида ташкил топган қалдирғоч ўқув даргоҳларидан. Бу ерда асосан республика ички ишлар органлари учун «Тергов фаолияти», «Тезкор-қидирув фаолияти», «Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти» ҳамда «Эксперт-криминалистик фаолият» мутахассисликлари бўйича олий юридик маълумотга эга мутахассислар тайёрланади.

Юксак маънавиятли кадрлар тайёрлаш йўлида

— Ёшлигимдан ушбу даргоҳда ўқишни, Ватанимга содиқ хизмат қилишни дилимга тукканман. Бугун орзуларим ушалиб, нуфузли олий даргоҳда таҳсил олаётганимдан хурсандман. Бу ерда таълим ва тарбия узвий равишда олиб борилади. Беш юз минг нусхадан ортиқ ўқув, илмий, махсус, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар ҳамда даврий ахборот нашрларидан иборат кутубхона мавжуд. Умуман олганда, таълим олиш, янгиликлардан бохабар бўлиш, спорт билан шуғулланиш учун шароит етарли, — дейди Академия 3-ўқув курси тингловчиси Воҳид Бадалов.

ИИВ Академиясида таҳсил олаётган ҳар бир тингловчи ва курсант Мустақиллик байрами арафасида эл-юртга содиқлик тўғрисида қасамёд қилади. Қасамёд — йигитнинг ори, ғурури. Қасамёд негизида юрт тинчлиги, осойишталигини сақлаш, ватанпарварлик, фидойилик, юртга, халққа бўлган чинакам меҳр ётади. Ўз қасамёдига содиқ қолиш эр кишининг муқаддас бурчидир.

— Ўқув жараёнини бевосита амалиёт билан боғлаш мақсадида машғулотларга республикамизнинг етук олимлари, Ички ишлар вазирлигининг малакали мутахассислари жалб этилган, — дейди Академия ШТБИХ бошлиғи ўринбосари — тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Музаффар Камилов. — Шунингдек, тингловчилар назарий билимларини ўқув амалиёти билан қўшиб олиб борадилар. Бундан ташқари, оператив-тактик машқлар ва амалий машғулотларни ҳақиқий ҳаётдагига яқинроқ шароитда ўтказиш учун тингловчи ва курсантлар шаҳардан ташқаридаги ҳарбий-дала ўқув марказига чиқадилар ва у ерда махсус операцияларни амалга ошириш борасида билим ва кўникмага эга бўладилар.

Академия тингловчилари ҳаёти билан танишар эканмиз, уларнинг нафақат ўз соҳаларининг етук билимдонлари, чет тилларида ҳам эмин-эркин сўзлаша олишларига гувоҳ бўлдик. Тингловчи ва курсантларнинг саломатлиги бош масалалардан бирига айланган. Бу ерда 18 ўринга мўлжалланган лазарет, физиотерапия, стоматология, боғлов, муолажа хоналари ва дорихона мавжуд. Оммавий жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган.

— Бу ерда таҳсил олган ҳар бир тингловчи ва курсант янгича фикрлайдиган, энг аввало, фуқаролик бурчини аъло даражада ҳис этадиган халқпарвар ва эл тинчлигига камарбаста ички ишлар идоралари ходими бўлиши даркор, — дейди Академия 2-ўқув курси тингловчиси Муҳайё Шукурова.



***

Академия ҳаёти билан яқиндан танишувдан сўнг, ОАВ ходимлари ўқув дала полигонига таклиф этилди. Бу ерга ташрифимиз академия ҳаётини яна ҳам чуқурроқ билишимизга, тасаввуримизни бойитишга хизмат қилди. Бунда бизга Академия полигони бошлиғи, майор Диёрбек Сатторов катта кўмак берди.

Академиянинг асосий базаси 35 гектарли майдонда жойлашган. Ўқув даргоҳи ўз ҳарбий ўқув дала полигонига эга бўлиб, бу ерда тингловчи ва курсантлар махсус дастурлар асосида дастлабки касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарликни ўтайдилар.

Ўқув дала полигонида ҳар бири 200 кишига мўлжалланган 3 та ётоқхона, 80 кишига мўлжалланган штаб, 600 кишилик ошхона, ювиниш-санитария хоналари, ахборот-ресурс маркази, ҳар бири 200 кишини ўз ичига оладиган 3 та маъруза зали, 10 дан ортиқ ўқув хоналари, спорт комплекси, саф майдони мавжуд.

Полигоннинг очиқ ўқ отиш тирида тингловчи ва курсантлар, малака оширишга келган амалиёт ходимлари билан жанговар ўқ отиш машғулотлари ўтказилади.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши «ЎзЛИТИнефтгаз» очиқ акциядорлик жамиятининг касаба уюшма қўмитаси раиси

Абдуқодир АБСОДИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Абдураҳим Тўраевга онаси

Ёқут момо ГУЛМУРОДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ishonch
2014-yil 26-aprel № 52 (3401)

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

«Касаба-тур — 2014»

Сўзимизнинг бошида ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» веломарафонини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш юзасидан вилоят ҳокимлигининг чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, унинг ижроси тўла таъминланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Веломарафонга корхона ва ташкилот ходимлари билан бирга, маҳаллалар аҳлини ҳам жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирнинг илк босқичи март ойида якунланиб, унда 96 та корхона, ташкилот ва муассасалардан 1230 нафар ходим иштирок этди. 221 нафар хотин-қизнинг фаол иштироки таъминланди.

иштирокчиларга муваффақият тилади. ЎзКУФК масъул ходими Г.Жўраева тадбир иштирокчиларини самимий қутлади.

Шаҳар ва туманлар босқичларида, шунингдек, Жиззах шаҳридаги йирик корхона ва ташкилотларда ғолибликни қўлга киритганлар ўртасида қизғин баҳслар бошланди.

КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА

Мусобақанинг иккинчи босқичи — шаҳар ва туманлар миқёсида ўтказилган баҳслар янада қизиқарли кечди. Уларда тармоқ вакилларидан 570 нафари фаол иштирок этди. Шундан 97 нафари аёллардир.

Вилоят босқичи Жиззах шаҳридаги 1-ТИП болалар спорт мажмуида бўлиб ўтди.

Анжуманни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари А.Ихтиёров очиб,

20-35 ёшлилар ўртасида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси вакили Н.Ҳусандов, Бахмал туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ходими М.Мамараҳимованинг қўли баланд келган бўлса, 35 ёшдан юқори эркаклар ва аёллар ўртасидаги мусобақаларда Жиззах Олимпия захиралари коллежи вакиллари — Э.Муҳиддинов ва Ш.Баҳромовага тенг келадигани топилмади.

Э.Шодмонов, И.Маматқосимов, А.Каҳҳоров, Б.Нишонов, Н.Маҳмудова, Р.Норбўтаева, Н.Гаированинг нолари ҳам ғолиблар сафида эътироф этилди.

Тадбир сўнгида совриндорларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ ҳамда Маданият ва спорт ишлари вилоят бошқармаси томонидан таъсис этилган «Энг ёш пойгачи», «Энг ёши улуғ пойгачи», «Энг фаол пойгачи», «Энг фаол аёл пойгачи», «Ғалабага бўлган иштиёқи учун» номинациялари бўйича совринлар топширилди.

Мусобақа якунида санъаткорларнинг концерт дастури, ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари иштирокчилар ва томошабинлар кўнглига кўтаринкилик бахш этди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда «Касаба-тур» веломарафонининг ҳудудий босқичига якун ясалди. Унда шаҳар ва туманлардаги муассаса, корхона ва ташкилотларда бўлиб ўтган велопойгаларда ғолибликни қўлга киритган ҳаваскор спортчилар баҳс олиб боришди.

ОММАВИЙЛИК САРИ

Қорақалпоғистонда спортнинг ушбу турига қизиқувчилар йил сайин ортиб бормоқда. Ўтган йиллардаги мусобақада қатнашчиларнинг сони 300 нафар атрофида бўлса, бу йилги веломарафонда 375 нафар ҳаваскор спортчи иштирок этди.

— Якуний босқичга катта ҳозирлик кўрилди, — дейди касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг маданий-маърифий ҳамда спорт ишлари бўлими мудири Қуватбой Қадиримбетов. — Ниятимиз, аввал бошиданоқ корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш боробарида, велоспортнинг оммавийлигига эришиш эди. Бу борада анчамунча муваффақиятларни қўлга киритдик.

Уюшқоқлик билан ташкил этилган ҳудудий босқичнинг 5 километрлик масофадаги беллашувлари, айниқса, муросасиз кечди. Аёллар ўртасидаги мусобақада Кегайли туманидаги 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Карлигаш Бекжанова, Нукус шаҳри 1- умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Бийбайим Байназарова ва Тахтақўпир тумани БЎСМ мураббийи Гулсара Онгдасинова шоҳсупадан жой олди.

35 ёшдан юқори бўлган хотин-қизлар мусобақасида Кегайли туманидан Сарбиноз Утамбетова, Нукус шаҳридан Қирмизи Мамбеткаримова ҳамда Зияда Мамбетниязова ғолибликни қўлга киритди.

20-35 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар орасида П.Даулетбаев, М. Ерназаров, Д.Кумеков, К.Кудайбергенов, М.Абдикаримов ва Б. Бердибаевлар совринли ўринларни ўзаро тақсимлаб олдилар.

Ғолиблар муносиб рағбатлантирилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

ҚИЗҒИН БАҲСЛАР

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш ишларини оммалаштириш мақсадида ўтказилган «Касаба-тур — 2014» мусобақаларининг ўтган йилдан фарқи шундаки, бу гал веломарафон 4 босқичда ташкил этилди. 1-босқич корхона, ташкилот ва муассасалардаги ҳаваскор велоспортчилар ўртасида, 2-босқич туман, шаҳар кенгашларида бўлиб ўтди. Вилоят босқичида эса барча туман, шаҳарлардан 120 нафар велоҳаваскор қатнашди.

Баҳслар кўтаринки кайфиятда, карнай-сурнай садоси остида бошланди. Дастлаб, 20-35 ёшдаги эркаклар 10 километр масофада ўзаро беллашдилар. Унда Денис Голованов зафар қучди. Аёллар ўртасида ушбу тармоқ вакили Елена Медведова финиш чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди. 5 км. масофада ўтказилган 35 ёш ва ундан катта ёшлилар ўртасидаги мусобақада яна ушбу тармоқ вакили Ахтам Норовнинг қўли баланд келди. Шунингдек, веломарафонда Мурод Жўраев, Дмитрий Краснов, Фазлиддин Эргашев, Рустам Ганжиев, Наргиза Миркамолова, Бахшида Бобомуродовалар совриндорлар сафидан ўрин олдилар.

Веломарафонда Неъмат Эргашев «Энг ёши улуғ пойгачи», Қаҳрамон Давронов «Энг маҳоратли пойгачи», Нилуфар Назарова «Энг фаол аёл пойгачи», Зилола Жўраева «Ғалабага бўлган иштиёқи учун», Сайфулло Шамсиев «Энг ёш пойгачи» номинациялари бўйича совриндорликка эришдилар.

Ғолибларга касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Розия НУСРАТОВА,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Сирдарё вилоятида мусобақаларнинг дастлабки икки босқичида 350 нафардан ортиқ ходим қатнашди. Улар орасида ёшлар ва аёллар фаоллик кўрсатди. Пойганинг учинчи вилоят босқичи Гулистон шаҳрида ташкил этилди.

5 ЁШДАН 65 ЁШГАЧА

Мусобақа томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кузатиб борилди. Энг ҳаяжонли воқеа — марафонни 5 ёшли Суҳробжон Эргашев бошлаб бергани бўлди.

— Жорий йил веломарафонда иштирок этувчилар сони бир неча маротабага кўпайди. Мусобақанинг 3-босқичида 280 нафар (50 нафари хотин-қиз) ҳаваскор велоспортчи қатнашди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Хайрулла Аминов. — Бу велоспортнинг тобора оммавийлашаётганидан даракдир.

Низомга кўра веломарафонда иштирок этган 20-35 ёшли ҳаваскор велоспортчилар 10 км. масофада баҳслашдилар. Эркаклар ўртасида 1-ўринни Р.Нуриддинов, 2-ўринни А.Раҳмонов ва 3-ўринни Т.Бердиев қўлга киритди.

35-50 ёшли қатнашчилар 5 км. масофада маррани кўзладилар ва қуйидагича тартиб олдилар: Д.Османов, Х.Шайжигитов, Ф.Тошматов.

50 ёшдан юқори бўлган иштирокчилар орасида Э.Ҳусанов, Б.Ҳайдаров, Ш.Шодиев дастлабки учликка муносиб кўрилди. Аёллар ўртасида Р.Маматова, Г.Сангирова, С.Нарзиёева, 35-50 ёшда З.Жумабекова, Н.Эсергапова, С.Маматқуловага ғолиблик насиб этди.

«Энг ёши улуғ пойгачи» номинациясининг эркаклар ўртасидаги ғолиби 65 ёшли Гулистон академик лицейи ходими Бекбола Жуманов бўлди. «Энг фаол аёл пойгачи» Гулистон шаҳар 12-умумтаълим мактаби ходими В.Тўрабекова, «Энг маҳоратли пойгачи» Гулистон шаҳар поликлиникаси ходими Азиза Алиева, «Ғалабага бўлган интилиши учун» «Сирдарё ҳақиқати» газетаси фотомухбири Фурқат Тошматов, «Энг ёш пойгачи» Шаҳзод Кўчқоров деб топилди.

Ғолиблар энди республика босқичида иштирок этади.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Навоий вилояти туманларида «Касаба-тур» веломарафонининг дастлабки босқичлари кўтаринки кайфиятда, оммавий тарзда бўлиб ўтганлиги ҳақида аввал батафсил маълумот бергандик. Босқич ғолиблари Навоий шаҳридаги марказий стадион ёнида жамулжам бўлдилар.

КОНИ ФОЙДА

Тадбир иштирокчилари профессионал спортчилар эмас, турли ташкилотларда фаолият юритаётган ҳаваскорлар бўлиб, уларнинг ҳаяжонини тушуниш мумкин эди. Дастлаб, 35 ёшдан ошган аёл пойгачилар спорт чизиғи ёнида саф тортишди. Соғлиқни сақлаш, ички ишлар ходимлари кузатувида старт олган пойгачиларни равон йўл бўйлаб мухлислар олқишлаб туришди.

Бироз нафасини ростлаб олгач, мухлислар қуршовидаги биринчи ўрин совриндори, Навбаҳор туманидаги 32-умумтаълим мактаби директори Ойзода Қодирова билан мулоқотда бўлдик:

— Саккиз йилки, велосипед қадрдонимга айланган. Чунки, ҳаракатланиш пайтида одамнинг қон айланиш тизимида ижобий ўзгаришлар юз беради. Қолаверса, ҳеч бир чиқимсиз узоғим ҳам яқин бўлади. Касаба уюшмаларининг бундай хайрли ишга қўл урганидан хурсандмиз. Хотин-қизлар учун бу улов турини бошқариш ноўрин эмаслиги, аксинча, ҳаётий зарурат эканлиги исботланмоқда.

20 ёшдан 35 ёшгача бўлган иштирокчилар чеҳраларида шаҳду ҳаяжон уфуриб, старт чизиғидан ўрин олишди. Натижа кўнгилдагидек бўлиб, қатор номинациялар бўйича ғолиблар сараланди.

Веломарафоннинг «Энг ёши улуғ пойгачи» номинациясида ғолиблик қизилтепалик 66 ёшли Раим Темировга насиб этди. Нуроталик ўқитувчи Феруза Кўбаева эса «Энг маҳоратли пойгачи» деб топилди. «Ғалабага бўлган иштиёқи учун» номинациясига конимехлик Ойсулув Қурбонбаева лойиқ кўрилди. «Энг ёш пойгачи» номинацияси нуроталик Ҳасан Холбоевга, «Энг фаол аёл пойгачи» номинацияси ғолиблиги эса қизилтепалик Роҳила Темировага насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

ЎзА суратлари

Тарбия — муҳим соҳа

Кун сайин тараққий этиб бораётган бизнинг замонда баъзи ўзбек оилаларида уй хизматчилари билан бир қаторда, энагаларнинг пайдо бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Хўш, энагалик хизмати ўзи нима, энага қандай бўлиши керак, унинг вазифалари нималардан иборат...

Энага ҳам она

Бола тарбиясида энагалик хизматларининг ижобий томонлари ҳам, салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Айниқса, бола жудаям ёш бўлса...

Агар тайинламоқчи бўлган одамимиз олий маълумотли, айниқса, педагогика университетини, психология факултетларини, бошланғич таълим йўналишларини тамомлаган, энг муҳими, педагогик-психологик савияга эга бўлса, бундай энагаларнинг фойдали томонлари кўп. Лекин фақат иқтисодий томондан ўзини таъминлаш учунгина энагалик билан шуғулланаётган бўлса, бу эртага катта салбий оқибатларни юзага келтириши мумкин.

Бизда шундай тушунча бор: энаганинг ёши қанча катта бўлса, бола тарбиясида шунча кўп тажрибага эга дея болани осонгина уларга ишониб ташлаб кетамиз. Бироқ... Беш-олти болани тўплаб олиб, уларни фақат овқатлантириб, фойдали машғулотлар билан шуғуллантирмасдан, шунчаки қараб, овутиб, тинчлантириб ўтиришнинг ўзи камлик қилади. Бундай энагалар ҳатто бола ривожланишидаги етакчи фаолият турлари, тамойиллари, қонуниятларидан ҳам бехабар. Эҳтимолки, бу бола эртага буюк олим, ижодкор, бастакор бўлиб етишиши, дунёни тебратувчи шахс бўлиши мумкиндир? Лекин етарлича эътибор бўлмаса-чи? Ҳозир айтганимиз, болалар психологиясидан йироқ энага фарзандимизни миқдор жиҳатдан ривожлантириб бериши мумкин, бироқ сифат жиҳатдан яхши натижага эришолмайди.

Бугунги кунда одамлар фарзандини жуда барвақт — 3 ойлигиданоқ энагага ишониб топширяяпти, лекин энаганинг савияси ана шу болани тарбиялаш савиясидан анча паст бўлса-чи? Бунга сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири сифатида энагалик билан шуғулланаётган аёлларимизнинг аслида бутунлай бошқа касб эгалари эканлигини ҳам кўрсатиш мумкин. Уларнинг ичида турли соҳаларда фаолият юритувчи, масалан, муҳандис, бухгалтер кабилар ҳам учрайди. Ёки бўлмаса, шунчаки бировнинг боласини олиб, оддийгина қараб берувчилар ҳам йўқ эмас. Бундай энагалар боланинг «тили»ни тенг ярмига тушунмайди. Ва ўз-ўзидан улар эртага боланинг жамиятдаги, ижтимоий муҳитдаги ўрнини, унинг эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб бера олмайди.

Боланинг энг биринчи етакчи фаолият тури, бу предметлар билан эмоционал муносабатда бўлишдир. Мисол учун, бирор ўйинчоқни шиқирлатганда, бола эътиборини шу ўйинчоққа қаратади, қиқирлаб кулади ва ана шу предмет билан эмоционал муносабатга киришади. 6 ойлигидан бошлаб предметлар билан ҳаракатли муносабатларга ўта бошлайди. Ўйинчоғини қўлига олиб ҳаракатлантиради, ўйнайди. Қолаверса, болалар билан кўпроқ ролли ўйинлар ўйнаш талаб этилади. Бу уларнинг ҳар томонлама вояга етишида муҳим ўринга эга.

Фарзандимиздаги турли ҳолатларни иложи борича болалигиданоқ англаб, уни тўғри йўналишга сола олсак, бу бола эртага етук инсон, жамиятда ўз ўрнига эга шахс бўлиб вояга етади. Шундай энагалар борки, болани очиқ ҳавога олиб чиқади-да, ўз ҳолига ташлаб, шахсий ишлари билан машғул бўлиб ўтиради. Бу, албатта, жуда ҳам салбий, ҳатто аянчли ҳолатдир.

Ота-она ўғли ёки қизини энагага беришига сабаб — эртага фарзанди яхши ривожланишини, ижтимоий муҳитда ўз ўрнини топа олишини исташидир. Агар энага ўз ишига жиддий қараса, масъулият билан ёндашса, бола ривожланишида кўплаб ютуқларга эриша олади. Масалан, сезгирлиги, идроки, нутқи ривожланади, гапларни мантиқан боғлай олади ва ҳоказо.

Яна бир жиҳати борки, кўпгина олий ўқув юртларини битирган, педагогик, психологик маълумотга эга кишиларда амалиётдан кўра, назарий билимлар кўп. Ёки кўпни кўрган онахонларимиз, бувижонларимизда назарий билим бўлмаса-да тажриба кучли. Бироқ бола тарбияси нозик масала бўлганлиги учун имкон доирасида назария ва амалиётни баравар олиб борган дуруст. Бу билан болада бирон бир нуқсон сезилганда, уни ўша пайтнинг ўзидаёқ бартараф этиш мумкин бўлади.

Болага энага тайинлашда, биринчи навбатда, ҳалол инсонни танлаш керак. Иккинчидан, бу одамнинг характери, темперамент типи боланики билан мос тушиши лозим.

Болани иложи борича ижодкор энагага берган маъқул. Бу ерда ижодкор деганда, айнан ёзувчи, шоир, раққоса ёки санъаткор эмас, балки тасаввури бой, фантазияси кучли, дунёқараши кенг, болаларни жонидан ҳам ортиқ яхши кўра оладиган кишиларни назарда тутяпмиз. Энг муҳими, барибир ҳамма нарса руҳиятга бориб тақалиши сабабли, тайинланаётган энага озгина бўлса ҳам бола психологиясидан хабардор бўлиши шарт. Сабаби, энага боланинг ҳар бир хатти-ҳаракатини, фаолият турини тўғри таҳлил қилиши, бола дунёсига кириши, уни тушуниши ва болани тўғри йўлга сола билиши лозим.

Болалар психологиясидаги энг муҳим қонуниятлардан бири — дитерменизм қонунига асосланиб, мавжуд муҳитга мослаб тарбиялаш ва болада шундай иммунитет шакллантириш лозимки, эртага бола ҳар қандай рақобатга дош бера оладиган, ўз фикрида собит тура оладиган бўлиб вояга етсин. Бу айтаётганларимиз ҳаммасини бир ёшли болада қўллаш мумкин бўлган ҳолатлар.

Халқимизда ажойиб бир гап бор: ақл ёшда эмас, бошда. Жамиятда ҳали жуда ёш бўла туриб, ақлий коэффициенти юқори бўлган одамлар билан бир қаторда кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга, аммо турли вазиятлардан керакли хулосалар чиқара олмай доим қоқилиб юрадиганлар ҳам учрайди. Шунинг учун имкон борича олий маълумотли, сабрли, бола билан ишлай оладиган, иложи бўлса, камида 8 йиллик амалиётга эга, шу соҳа билан таниш, ўрта ёшлардаги энагаларни танлаган маъқул.

Шу ўринда бир таклифни илгари сурган бўлардик: хориж давлатларда энагалар тайёрловчи махсус курслар, мактаблар ташкил этилган. Бундай мактабларни битирганларга энагалик фаолияти билан шуғулланиши учун лицензия ва сертификатлар берилади ва ана шундай рухсатномаларга эга кишиларгина бу фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Республикамизда ҳам ана шундай курслар жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Биз балоғат остонасида турган ёшларни олий ўқув юртига кириши учун турли фанлардан репетиторларга, тайёрлов курсларига берамиз-у, бироқ оилага тайёрлашни унутиб қўяяпмиз. Тўғри, оила марказлари бор, аммо оналар мактаби ёки оилага тайёрлаш курслари сони ҳали жудаям кам. Қолаверса, энагалик билан шуғулланмоқчи бўлган одамлар олдин яна бир маротаба педагогик-психологик курсларга қатнаб, билим савиясини ошириб олсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, фарзанд — энг азиз, шу билан бирга, энг буюк неъмат. Жамиятнинг эртанги тақдири эса унинг бугунги тарбияси билан чамбарчас боғлиқ.

Шоҳиста САМАРОВА,
психология фанлари номзоди, доцент,
Умида ИСМОИЛОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -02.50
Topshirildi - 03.10

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 418 | 20930 nusxada bosildi | 1 345